

## Турли муносабатларга оид зикрлар (давоми)



14:07 / 18.12.2018 3442

هللا ىل صه هللا لؤلؤس رناك : لاقه هى بآ ن ع ، ىزبأ ن ب ن م ر ل ل ا دب ع ن ب هللا دب ع ن ع ن  
ن ى د و ء ص ال خ ل ا ة م ل ك و ء م ال س ل ا ة ر ط ف ى ل ع ا ن ح ب ص ا : ل ا ق ح ب ص ا ا ذ ا م ل س و ه ى ل ع  
ن ا ك ا م و ا م ل س م ا ف ى ن ح م ى ه ا ر ب ا ن ى ب ا ة ل م و ، م ل س و ه ى ل ع هللا ى ل ص د م ح م ا ن ى ب ن  
د م ح ا ه ا و ر . « ن ى ك ر ش م ل ا ن م

*Абдуллоҳ ибн Абдуррахмон ибн Абзодан, у отасидан ривоят қилади:*

«Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қачон тонг оттирсалар,  
«Асбахнаа ъала фитротил Ислаами ва калиматил ихлааси ва дийни  
Набиййнаа Муҳаммадин соллаллоҳу алайҳи васаллама ва миллати  
абийнаа Иброҳима ҳанийфан муслиман ва маа каана минал мушрикийн»,  
дер эдилар».

*Аҳмад ривоят қилган.*



**«Эй Абу Дардо, уйинг куйиб кетди», деди.**

(Абу Дардо деди:)

**«Куйгани йўқ. Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан эшитган гапга кўра, Аллоҳ бундай қилмаган бўлиши керак. У зот шундай дедилар: «Бир калималар бор, уларни ким наҳорнинг аввалида айтса, кеч киргунича унга мусибат етмас, ким уларни наҳорнинг охирида айтса, унга тонг отгунича мусибат етмас: «Аллоҳумма! Анта Роббии. Лаа илааҳа иллаа анта, ʔалайка таваккалту, ва анта Роббул ʔаршил ʔазийм. Маа шаа Аллоҳу каана ва маа лам яша лам якун. Ва лаа ҳавла ва лаа қуввата иллаа биллаҳил ʔалиййил ʔазийм. Аъламу анналлоҳа ʔалаа кулли шайъин қодиир ва анналлоҳа аҳаато би кулли шайъин ʔилман. Аллоҳумма! Иннии аъузуз бика мин шарри нафсии ва мин шарри кулли дааббатин, анта аахизун би наасиятиҳаа. Инна Роббии ʔалаа сиротим мустақийм».**

*Ибн Сунний ривоят қилган.*

*Дуонинг маъноси:* «Аллоҳим! Сен Роббимсан. Сендан ўзга илоҳ йўқ. Сенга таваккул қилдим. Ва Сен улуғ Аршнинг Роббисан. Аллоҳ нимани хоҳласа бўлади, нимани хоҳламаса бўлмайди. Алий ва Азийм Аллоҳдан бошқанинг қудрати ҳам, қуввати ҳам йўқ. Биламанки, албатта, Аллоҳ ҳар бир нарсага қодирдир ва Аллоҳ барча нарсани илми ила ихота қилгандир. Аллоҳим! Албатта, мен Сендан ўз нафсим ёмонлигидан ва Сен пешонасидан тутган ҳар бир жониворнинг ёмонлигидан паноҳ тилайман. Албатта, Роббим сиротул мустақиймдадир».

Ушбу дуо ва зикрларнинг ҳар бири инсоннинг кундалик ҳаёти бахтли ва саодатли бўлиши учун қанчалар зарур эканини алоҳида таъкидлаб айтиб ўтиришга ҳожат бўлмаса керак. Уларда бир кунда банда учун керакли бўлган барча яхшиликларни тилаш ва банда паноҳ тилаши лозим бўлган барча ёмонликлардан паноҳ сўраш бор. Уларни ёдлаб, йўлга қўйиб, адо этиб юрган инсон ҳар куни ана шундай бахт соҳиби бўлиши шубҳасиз.

Сўнг иложи бўлса, Йасийн сурасини ўқиб, қуёш чиққунича кутади.

Имом Нававийнинг айтишича, зикр учун энг афзал вақт Бомдод намозидан кейинги вақт бўлиб, бу вақтда фаришталар ҳозир бўладилар.

Шунинг учун ҳам Имом Молик:

«Бомдод намозидан то қуёш чиққунича гапириш ва ухлаш макруҳдир», деганлар.

***“Нақшбандия: вазифалар, зикрлар” китобидан***